

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Каттакўрган шаҳар Тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи:
С.С.Халилова

2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Каттакўрган шаҳар-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси куз касалликлари булимига тиббий аппаратура олиш учун.
- 1.2. Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси куз касалликлари булимига тиббий аппаратура олиш бўйича танлов охириги киймати – жами 50 000 000 (эллик миллион) сўм.
- 1.3. Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси куз касалликлари булимига тиббий аппаратура олиш бўйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар Ўзбекистон кўча 149 уй
Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.2. Танлов Каттакўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
Танлов предмети кийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предмети бўлган товар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда

иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
 - Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
 - Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши лозим.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
 - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.